

Аллоҳ бирор набий юборган бўлса, у албатта қўй боққан

11:31 / 12.11.2018 2011

600- ?????? ???? ?????????? ?????? ?????? ???????

????? ?????????????? ??????? ?????? ?????????? ??????????????

?????: «يَعْرِىءُ اِلٰى اَيِّ بَنِي سُلَيْمَانَ تَعْبُ امَّ»

«مَنْ عَجَلَا» ??????? ??????????????: ?????????????? ??????:

لَوْلَا طَيْرٌ رَأَتْكَ لَعَادَتْكَ اَمْ عَجَلَا»

«عَجَلَا». ?????????? ??????????????????.

600/4. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ бирор набий юборган бўлса, у албатта қўй боққан», дедилар. У зотнинг асҳоблари: «Сиз ҳамми?» дейишди. Шунда у зот: «**Ҳа. Мен Макка аҳли учун қийротлар эвазига қўй боқиб берар эдим**», дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

* Луғатшунослар «қийрот» деб майда пулга, дониқнинг ярми, яъни бир дирҳамнинг ўн иккидан бирига айтишади. Аслида унинг миқдори турли ўлкаларда турлича бўлган. Масалан, маккаликларда қийрот динорнинг йигирма тўртдан бир улуши ҳисобланса, аксар юртларда, хусусан фуқоҳолар наздида, йигирмадан бири бўлган. Аммо «қийрот» калимаси кейинчалик бир нарсанинг бўлакларини, жузларини ифода этиш учун ва шундан келиб чиқиб, бирор нарсанинг кўплигини, чексизлигини англатиш учун ҳам қўлланадиган бўлиб кетган. Ибн Можа ўзининг айрим шайхларидан нақл қилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг битта қўйни бир қийрот эвазига боққанларини айтган.